Fidoyilik – Vatanga xizmat demak!

# Zarafshon

www.zarnews.uz
https://www.facebook.com/zarnews.uz
@zarnews_uz
https://twitter.com/zarnews_uz

1913-yil aprel oyidan chiqa boshlagan
zarafshonbot
Сайтимизга ўтиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг
2021-yil 25-mart, payshanba, 35 (23.471)-son


**Кун ҳикмати**

Вақтдан малҳам ва муаммосига ечим излаган киши оқилдир




# Самарқандда биринчи муз саройи очилди

**Самарқанд шаҳрида “FAMILY PARK” масъулияти чекланган жамиятининг савдо кўнгилочар маркази фойдаланишга топширилди.**

Марказнинг тантанали очилиш маросимида вилоят ҳокими Э.Турдимов ва жамоатчилик вакиллари қатнашди.

Марказ қурилишига 25 миллион АҚШ доллари сарфланган. Бу маблағнинг 13 миллион доллари банк кредити ҳисобланади.

– Шаҳримизда оилавий савдо кўнгилочар марказга эҳтиёж борлигини инобатга олиб, ушбу лойиҳага қўл урган эдик, - дейди "FAMILY PARK" масъулияти чекланган жамияти иш бошқарувчиси Темур Абдуллаев. - Марказимизнинг ўзига хослиги шундаки, унда 1850 ўринга эга муз саройи, китоблар дўкони, 4 та кинотеатр, картинг, 83 та савдо дўкони, болалар ўйингоҳи, боулинг, 12 та умумий овқатланиш нуқталари, медиапарк мавжуд. Қисқа қилиб айтганда, дам олиш кунларини мароқли ўтказиш учун барча шароитлар яратилган. Яна бир эътиборли томони, марказда 520 та иш ўрни яратилган.

Таъкидлаш жоизки, марказда нафақат хорижий номдор фирмаларнинг маҳсулотлари, балки маҳаллий маҳсулотлар ҳам ўрин олган.

**А.ИСРОИЛОВ.**

# 7 нафар самарқандлик маҳкум афв этилди

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Наврўз умумхалқ байрами арафасида халқимизга хос эзгулик, бағрикенглик, инсонпарварлик, меҳр-оқибат ва кечиримли бўлиш каби олижаноб фазилатларнинг ёрқин ифодаси сифатида “Жазо муддатини ўтаётган, қилмишига чин кўнгилдан пушаймон бўлган ва тузалиш йўлига қатъий ўтган бир гуруҳ шахсларни афв этиш тўғрисида”ги фармонни имзолади.**

Фармон билан 140 нафар, шу жумладан, 7 нафар самарқандлик фуқаро афв этилди. Яъни, шунча жазо муддатини ўтаётган ҳамда қилмишига чин кўнгилдан пушаймон бўлган ва тузалиш йўлига қатъий ўтган фуқаронинг қилмиши кечирилди.

Афв этилганлар орасида жазодан тўлиқ озод этилган, озодликдан маҳрум этиш жазоси енгилроқ жазо билан алмаштирилган, шунингдек, тайинланган озодликдан маҳрум этиш жазосининг муддатлари қисқартирилганлар ҳам бор. Самарқандлик 7 нафар назоратдаги шахслар муддатидан илгари шартли равишда озод этилди.

Қайд этиш лозимки, афв этилганларнинг деярли барчаси гиёҳвандлик воситалари, уларнинг аналоглари ёки психотроп моддаларни ўтказиш мақсадини кўзлаб қонунга хилоф равишда тайёрлаш, олиш, сақлаш ва бошқа ҳаракатлар қилиш, шунингдек, уларни қонунга хилоф равишда ўтказиш билан боғлиқ жиноятлари учун озодликдан маҳрум қилинган.

Мазкур фуқароларнинг 6 нафари эркак, бир нафари эса аёл киши. Яъни, бир нафари асли қўшработлик, 3 нафар Самарқанд ҳамда 3 нафар Ургут туманларидан бўлган собиқ маҳкумлар Наврўз байрамини ўз яшаш манзилларида нишонлаш имкониятига эга бўлди.

Албатта, улуғ айём олдидан муддатидан илгари шартли равишда озод этилиб, оиласи ва яқинлари бағрига қайтган мазкур фуқаролар бундан кейин жиноят йўлига кирмаслиги, ижтимоий муҳитга мослашиб соғлом турмуш тарзини йўлга қўйишларига кўмаклашилади.

**Нодир КАРИМОВ,**
**вилоят ИИБ пробация бўлими катта инспектори, капитан.**

# Мамлакатимиздаги ягона туризм қишлоғига келишни истовчилар йўқми?

**Албатта бор. Конигил туризм қишлоғи нафақат чет эллик, балки маҳаллий сайёҳлар учун ҳам ғоят фойдали, қизиқарли, этник маданиятимиз ҳақида қатор кўргазмали воситалар билан таништирувчи, баҳаво маскан. Аммо у барча туристик йўналишларда ҳам мавжуд эмас.**

Аслида туризм соҳасида кейинги бир йилнинг ўзида қатор янги йўналишлар ташкил этилди. Хусусан, Самарқанд шаҳридаги Орзу Маҳмудов кўчаси гастрономик кўчага айлантирилди, Самарқанд туманидаги Конигил қишлоғи республикада илк туризм қишлоғи сифатида сертификатга эга бўлди, ҳалол стандартларига тўғри келадиган қатор овқатланиш шохобчалари, меҳмонхоналар ташкил қилинди. Аммо...

- Аммо пандемия шароитида Самарқандга келувчи сайёҳлар сони ундан олдинги йилга нисбатан бир неча бараварга камайди, - дейди вилоят туризмни ривожлантириш департаменти раҳбари Дилшод Нарзиқулов оммавий ахборот воситалари иштирокида ўтказилган матбуот анжуманида. – Ҳукуматнинг қатор имтиёзлари туфайли сайёҳларга хизмат кўрсатувчи муассасалар яшаб қолиши учун имкон берилди. Бу имкониятдан юзлаб ташкилотлар фойдаланиб, бугунги кунда ўз фаолиятини давом эттирмоқда. Мавжуд вазиятдан келиб чиққан ҳолда маҳаллий туризмни ривожлантириш учун қатор чора-тадбирлар олиб борилди. Хусусан, қиш ойларида бир қатор чегирмалар берилди, натижада декабрдан январга қадар 102 мингдан ортиқ маҳаллий туристларга хизмат кўрсатилди. Март ойидан бошлаб расман туризм мавсуми катта байрам сифатида очилди. Кейинги йилларда зиёрат сайёҳлигини ривожлантириш йўлида ҳам аниқ ишлар олиб борилмоқда. Индонезия, Туркия, Покистон, Малайзия ва бошқа қатор давлатлардан зиёрат туризми мақсадида келувчилар учун шарт-шароитлар яратилмоқда.

Афсуски, ҳамон баъзи янги йўналишлар гуруҳ билан келувчи маҳаллий туристлар учун татбиқ этилмаган. Д.Нарзиқуловнинг айтишича, яқиндан бошлаб, янги йўналишларни ташкил этган сайёҳлик фирмалари ва гидларга 5 миллиондан 10 миллион сўмгача грант маблағлари ажратилмоқда. Шунингдек, Самарқандда келгусида нафақат тарихий обидалар томошаси, балки сайёҳларнинг бўш вақтини мазмунли ўтказишлари учун янги кўча ва «шаҳарча»лар, туристик қишлоқлар ташкил этилади.




**Гулруҳ МЎМИНОВА.**

# Мадрасада картиналар галереяси очилди

**Самарқанд шаҳридаги Ўсматбой мадрасасида вилоят ҳокимлиги ҳамда Ўзбекистон Бадиий академияси бадиий ижодкорлар уюшмаси вилоят бўлими ҳамкорлигида картиналар галереясининг очилиши ҳамда Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими, Нуриддин Калонов таваллудининг 70 йиллиги муносабати билан “Ижод сўқмоқлари” номли шахсий кўргазма иш бошлади.**



Вилоят ҳокими Э.Турдимов, Ўзбекистон Бадиий академияси раиси Акмал Нур ҳамда кенг жамоатчилик вакиллари ушбу картиналар галереясининг очилиши Самарқандда тасвирий санъат ва халқ амалий санъатининг ривожланишига хизмат қилишини таъкидлади.

- Бугунги кунда Ўзбекистон Бадиий академияси бадиий ижодкорлар уюшмаси вилоят бўлимида 100 га яқин ижодкорлар фаолият юритади, - дейди график рассом Акбар Фозилов. – Уларнинг ижодий кўргазмаларини ташкил этиш учун кўргазмалар зали мавжуд эмас эди. Картиналар галереяси кўп қиррали ижодкор Нуриддин Калоновнинг ижодий кўргазмаси билан очилгани ҳам аҳамиятлидир. Кўргазмада рассомнинг 400 дан ортиқ асарлари намойиш этилди.

Картиналар галереяси 2 миллиард 368 миллион сўм маҳаллий бюджет маблағлари ҳисобидан бунёд этилди. Бинода 2 та кўргазмалар галереяси, 8 та устоз-шогирд хонаси, 12 та ижод устахонаси ҳамда ёзги айвонча мавжуд.

Таниқли рассом Н.Калоновга 70 йиллик таваллуди муносабати билан вилоят ҳокимлигининг эсдалик совғаси ҳамда Ўзбекистон Бадиий академиянинг олтин медали топширилди.

**Насиба ЖОНТЎРАЕВА.**

# Фотосурат талаб қилинмайди

**2021 йил 23 март куни “Аҳоли ва тадбиркорлик субъектларига давлат хизматларидан фойдаланишда янада қулай шароитлар яратиш, бу борада бюрократик тўсиқларни қисқартириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Президент Фармони қабул қилинди.**

**Унга кўра, 2021 йил 1 июндан бошлаб фуқароларнинг доимий (вақтинча) рўйхатдан ўтган жойидан қатъи назар** фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд этиш, никоҳланувчи шахсларни тиббий кўрикдан ўтказиш ва хорижга чиқиш биометрик паспортини расмийлаштириш экстерриториал тамойил асосида амалга оширилади;

нотариал ҳаракатларни амалга оширишда фуқаролик ҳолати далолатнома ёзувлари билан боғлиқ барча маълумотлар нотариал идоралар томонидан **мустақил равишда, фуқаролардан ортиқча маълумот талаб қилмасдан, “ФҲДЁнинг ягона электрон архиви”** ахборот тизими орқали олинади.

**2021 йил 1 майдан** бошлаб хорижга чиқиш биометрик паспортини расмийлаштириш учун ариза-анкета ва давлат божи тўлови электрон тарзда **Ягона интерактив давлат хизматлари портали орқали** қабул қилинади.

**2021 йил 1 июндан** бошлаб 16 ёшга тўлган шахсларга идентификация ID-карталари бериш уларни давлат солиқ хизмати органларида солиқ тўловчи сифатида ҳисобга қўйиш ҳамда фуқарони жамғариб бориладиган пенсия тизимида ҳисобга қўйиш билан **бир вақтнинг ўзида амалга ошириш** тизимини жорий этилади.

**2021 йил 1 июлдан** бошлаб солиқ органларида солиқ тўловчиларнинг ҳисобини юритиш жисмоний шахснинг шахсий идентификация рақамидан фойдаланган ҳолда амалга оширилади. Бунда, солиқ тўловчининг идентификация рақамини бериш ва фуқарони жамғариб бориладиган пенсия тизимида ҳисобга қўйиш бўйича давлат хизматларини кўрсатиш **бекор қилинади**;

**жисмоний шахснинг шахсий идентификация рақами** барча давлат, банк, ижтимоий ва бошқа хизматларни кўрсатишда фуқаронинг шахсини тасдиқловчи **ягона идентификатор ҳисобланади**;

давлат органлари ва ташкилотлари томонидан жисмоний шахсларни идентификация қиладиган алоҳида рақамларни юритиш тақиқланади.

**2021 йил 1 июндан** бошлаб давлат органлари, хўжалик бирлашмалари, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари, давлат ташкилотлари ва муассасалари томонидан аҳолидан, шу жумладан, тадбиркорлик субъектларидан:

**а) қуйидаги фактларни тасдиқловчи ҳужжатларни:**

руҳий касалликлар бўйича диспансер ҳисобида туриши ёки турмаслиги;

наркология бўйича диспансер ҳисобида туриши ёки турмаслиги;

судланганлик;

манзил-маълумот ахбороти;

фуқаронинг номида шахсий уй-жой мавжуд ёки мавжуд эмаслиги;

турар жойнинг майдони;

солиқ қарзи мавжуд ёки мавжуд эмаслиги;

солиқ тўловчи жисмоний шахсларнинг давлат солиқ хизмати органларида ҳисобга қўйилганлиги;

пенсия ва нафақа миқдори;

пенсия ва нафақа олувчилар рўйхатида мавжуд ёки мавжуд эмаслиги;

никоҳ қайд этилганлиги, никоҳда турмаслиги ёки никоҳдан ажралганлиги;

**б) қуйидаги ҳужжатларни:**

шахсни тасдиқловчи ҳужжатнинг нусхаси;

шахснинг белгиланган шаклдаги фотосурати;

тиббий-ижтимоий эксперт комиссияларининг маълумотномалари;

меҳнат дафтарчалари ва уларнинг нусхалари (фуқароларга пенсия тайинлаш жараёнида ушбу ҳужжатни “Ягона миллий меҳнат тизими” идоралараро дастурий-аппарат комплекси орқали олиш имконияти мавжуд бўлмаган ҳолларда сўраш бундан мустасно);

иш ҳақи ва иш стажини, олий ва ўрта махсус таълим муассасасида ўқиганликни тасдиқловчи архив маълумотномалари (фуқароларга пенсия тайинлаш жараёнида ушбу ҳужжатни “Ягона миллий меҳнат тизими” идоралараро дастурий-аппарат комплекси орқали олиш имконияти мавжуд бўлмаган ҳолларда сўраш бундан мустасно);

кадастр ҳужжатлари ва уларнинг нусхаларини талаб қилиш бекор қилинади.

**2021 йил 1 июндан** бошлаб фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш органлари томонидан давлат статистика органларига **далолатнома ёзувларининг нусхаларини юбориш ва ҳисоботларни топшириш амалиёти бекор қилинади.**

# Касб-ҳунар мактаби учун хомашё, ўқувчиларга стипендия берилмаган




**Ишсизликнинг олдини олиш, камбағалликни қисқартириш борасида ҳудудлар кесимида аҳолини касб-ҳунарга ўқитиш курслари очиляпти. Ҳеч қаерда ишламайдиган, касб-ҳунари йўқ, "темир дафтар"га киритилган ишга муҳтож оила вакиллари бепул ўқитилмоқда. Ҳатто уларга стипендия ҳам ажратиляпти. Паст Дарғом туманига сафаримиз чоғида касб-ҳунарга ўқитиш курслари фаолияти билан танишдик.**

Дастлаб тумандаги 3-касб-ҳунар мактабида бўлдик. 760 ўринга мўлжалланган ўқув биносида атиги 161 нафар мактаб ўқувчиси таҳсил олмоқда.

### КИМ ҲАҚ, КАСБ-ҲУНАР МАКТАБИ ДИРЕКТОРИМИ ЁКИ...

- Қувватимиз етарли, аммо ўқувчиларимиз камлиги боис ташаббус билан чиқиб, аҳолини касб-ҳунарга ўқитишни йўлга қўйдик, - деди мактаб директори Флора Холмуродова. – Ўтган йилнинг ноябрь ойидан буён 212 кишини касб-ҳунарга ўқитдик. Бу бир томондан ўқитувчиларимизга ҳам ёрдам бўлди, улар фуқароларни ўқитгани учун қўшимча иш ҳақи олди. Бугунги кунда аҳоли томонидан касб-ҳунар ўрганишни истовчи 150 нафар талабгордан ариза тушган. Аммо негадир вилоят бандлик бош бошқармаси томонидан ўқишни бошлашга рухсат берилмаяпти.

Биз вилоят бандлик бош бошқармасидан ушбу масала бўйича изоҳ сўраганимизда бошқарма бошлиғи Исроил Жабборовдан қуйидаги жавобни олдик:

- Бу мутлақо ёлғон маълумот. Дастлаб ўқиш истагида бўлган талабгор ариза билан мурожаат қилади. Сўнгра уч томонлама, яъни касб-ҳунар мактаби, аҳоли бандлигига кўмаклашиш маркази ва фуқаро ўртасида шартнома тузилади. Шундан сўнг ўқиш бошланади. Бизга ҳали ҳужжат топширилмаган, ўзимиз ўқишни истовчиларни излаяпмиз.

Ушбу жавобдан сўнг очиғи, қайси томоннинг ҳақ эканини билмадик. Билганимиз касб-ҳунар мактабида фақат хотин-қизлар учун 1 ойлик қисқа муддатли тикувчилик курси ташкил қилинибди.

### ЎҚУВ КУРСИ ВА КАСБ-ҲУНАР МАКТАБИ УЧУН ХОМАШЁ БЕРИЛМАГАН

- Беш нафар фарзандим бор, - деди Дилнавоз Усанова. – Ҳеч қаерда ишламайман, турмуш ўртоғим мавсумий ишлар билан шуғулланади. Оиламга ёрдам бўлсин деб тикувчиликни ўрганяпман. Курсни тугатсак, бизни тикув цехига ишга олишаркан.

- Олти нафар болани боқяпмиз, - деди Ҳанифа Жобриева. – Уч нафари овсинимнинг болалари, ота-онаси вафот этгани учун қарамоғимизга олдик. Болаларни боқиш учун тикувчилик курсига қатнаяпман. Аввал ҳам тикувчиликка қизиқардим, курсда билмаганларимни ўргандим.

- Икки нафар фарзандим бор, уларни боқиш менинг зиммамда, - деди боқувчисини йўқотган Муқаддас Хўжаёрова. – Маҳалладан иш сўраб мурожаат қилгандим, улар мени шу курсга юборишди.

Аёллар билан суҳбатлашиб, хонанинг совуқлигига чидай олмадим. "Биз ўрганиб кетганмиз, уйимиз ҳам худди шундай совуқ, шунинг учун бемалол ўтирибмиз", деди улар. Бунинг устига ўша пайтда туманда электр токи ҳам йўқ экан.

Тикувчилик курсида ўқиётган аёлларнинг кўпчилиги "темир дафтар"га киритилган, кам таъминланган оила вакилларидир. Дарслар шанба, якшанба кунларидан ташқари ҳар куни соат 08:30 дан 13:00 гача давом этади.

Туман ҳокимлиги томонидан касб-ҳунар мактабига 20 та тикув машинаси берилган, аммо ҳанузгача хомашё ажратилмаган. Ҳозирча касб-ҳунар мактаби директори ўз цехидан келтирган матоларни ишлатишмоқда.

### КУРС ЎҚИТУВЧИСИ 742 МИНГ СЎМ МАОШ ОЛАДИ

Касб-ҳунар мактабида электр устаси, тикувчилик, сантехник, рақамли ахборот технологияларига ва маиший техникаларга хизмат кўрсатиш курслари мавжуд. Мактаб ўқувчиларининг кўпчилиги кам таъминланган оила фарзандлари бўлиб, уларга тўланиши керак бўлган стипендия йил бошидан бери берилмаган. Тўғрироғи, келгуси йилдан берилиши мумкин эмиш. Мактабда ошхона ҳам йўқ, ўқувчиларга давлат томонидан ажратилиши керак бўлган озиқ-овқат маҳсулотлари берилмасдан келмоқда.

- Бола сони кам бўлгани учун менга ярим штат, яъни 742 минг сўм иш ҳақи тўлашади, - деди сантехник курси ўқитувчиси Салим Асқаров.

Аслида ишлаб чиқариш таълим устаси бир штат бирлигида 1 миллион 700 минг сўм атрофида маош олар экан. Мактаб директорининг айтишича, аҳолини касбга ўқитишни йўлга қўйишса, ярим штат ишлайдиган ўқитувчиларнинг иш ҳақи бир штат бўлади.

### ХОТИН-ҚИЗЛАРГА 560 МИНГ СЎМДАН СТИПЕНДИЯ БЕРИЛЯПТИ

Туманнинг Чархин хизмат кўрсатиш техникуми биносида 3 ойлик тикувчилик курси очилган. Унда 12 нафар хотин-қиз касб ўрганмоқда.

- Ўқув курсимиз бошланганига 2 ой бўлди, - деди Камолот маҳалласида яшовчи Салима Бекназарова. – Бизга ҳар ойда 560 минг сўмдан стипендия беришяпти. Насиб бўлса, курсни тугатгач, кредит олиб, уйимда ателье очмоқчиман.

Техникум биносининг яна бир хонасида тадбиркор томонидан янги замонавий тикув машиналари ўрнатилган. Тикувчилик курси раҳбари Нигора Идибаеванинг айтишича, курсни битирган хотин-қизларни тадбиркор ўз цехида иш билан таъминламоқчи.

*Бугун туманда 360 минг аҳолидан 11 минг нафари ишсиз фуқаро ҳисобланади. Аҳолини касбга ўқитиш курсларида бор-йўғи 12-15 нафар хотин-қизга тикувчилик ҳунарини ўргатиш билан ишсизлик муаммосини қанчалик ҳал қилиб бўлади? Нега Паст Дарғом туманида эркаклар учун қурувчи, дурадгор, боғбон, электр устаси каби касб-ҳунарлар ўқитилмаяпти? Наҳотки, 11 минг нафар ишсиз фуқародан касб ўрганишни истовчилар бўлмаса? Шуниси таассуфлики, туман бандликка кўмаклашиш марказидан касб-ҳунар ўрганганларнинг қанчаси иш билан таъминлангани ҳақида ҳам маълумот ололмадик.*

**Хуршида ЭРНАЗАРОВА,**
**«Зарафшон» мухбири.**

**Вилоят мактабгача таълим бошқармасида ўтказилган матбуот анжуманида бошқарма бошлиғи Шуҳрат Раҳмонов жорий йилда вилоятимизда инвестиция, хусусий сектор томонидан қурилиши режалаштирилган давлат, давлат-хусусий шериклик асосидаги, оилавий ва нодавлат мактабгача таълим ташкилотлари ҳамда уларга вилоятимиздаги 3-7 ёшли болаларнинг 70 фоизи қамраб олиниши режалаштирилаётгани, боғчалардаги таълим-тарбия сифати ҳақида ахборот берди.**

# 2021 йил вилоятда 400 дан зиёд боғча қурилади



- Кейинги уч йил давомида вилоятимизда қуввати 9300 ўринли 102 та давлат-хусусий шериклик асосида, қуввати 38 минг ўринли оилавий нодавлат мактабгача таълим ташкилоти фаолияти йўлга қўйилди, - дейди Ш.Раҳмонов. - Шу билан бирга инвестиция дастури асосида 6 та янги қурилиш, 116 та реконструкция, маҳаллий бюджет маблағлари ҳисобидан 13 та янги қурилиш, 26 та реконструкция ва 18 та мукаммал таъмирлаш ишлари бажарилди. 17 та бўш турган ижтимоий соҳа объектлари мактабгача таълим тизими тасарруфига ўтказилиб, 1980 ўринли мактабгача таълим ташкилотлари ташкил этилди. Жорий йилда асосан боғчаси йўқ олис ҳудудларда мактабгача таълим ташкилотлари қуришни режалаштирганмиз. Бугунги кунда 180 та олис ва чекка маҳаллаларда умуман боғча йўқ. 456 маҳаллада давлат боғчалари фаолият юритмайди. Жумладан, Ургут, Паст Дарғом, Самарқанд, Пахтачи, Иштихон туманларининг 10 дан зиёд маҳаллаларида давлат боғчалари мавжуд эмас. Шу мақсадда 2021 йилда Инвестиция дастури доирасида давлат МТТлари бўлмаган маҳаллаларда 16 та объект реконструкция қилинади.

Ургут туманининг Вағашти, Чеп ва Камонгарон маҳаллаларида неча йиллардан бери давлат мактабгача таълим ташкилоти йўқ эди. Жорий йилнинг иккинчи чорагида бу ерда ҳам янги давлат боғчалари фойдаланишга топширилади.

Шунингдек, тадбирда 10 минг қувватга эга 400 та оилавий, 1055 ўринли 10 та давлат-хусусий шериклик асосида ҳамда 1550 ўринли хусусий боғча қурилиши режалаштирилаётгани айтилди.

**Ўз мухбиримиз.**

# ТАЪЛИМ: ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТ

## Миллий тест тизими нима, бу йилги абитуриентларни қандай янгиликлар кутмоқда?

***Миллий тест тизими нима, у ҳақда маълумот берсангиз?***

Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 12 октябрдаги 646-сон қарорида 2020 йил 1 декабрдан бошлаб босқичма-босқич бакалавриат таълим йўналишларига мос фанлар мажмуасидаги умумтаълим фанларидан билиш даражасини баҳолашнинг миллий тест тизими жорий этилиши белгиланган.

Унга кўра, умумтаълим фанлари бўйича сертификатлаш қуйидаги муддатларда жорий этилади:

- 2020 йил 1 декабрдан она тили ва адабиёт (ўзбек тили ва адабиёти, рус тили ва адабиёти, қорақалпоқ тили ва адабиёти) ҳамда математика фанлари бўйича;
- 2021 йил 1 февралдан кимё ва биология фанлари бўйича;
- 2022-2024 йиллардан физика, география ва тарих фанлари бўйича.

Талабгорларга тест синови натижаси бўйича энг юқори балнинг камида 60 фоизини тўплаганда, сертификат электрон шаклда 3 йил муддатга берилади.

Қарорда 2021-2022 ўқув йили қабулидан бошлаб тегишли умумтаълим фанини (чет тили бундан мустасно) билиш даражаси тўғрисида давлат намунасидаги сертификатга эга бўлган абитуриентга сертификатдаги ўзлаштириш фоизига мос равишда ОТМ бакалавриатига ўқишга қабул қилиш бўйича тест синовларида ушбу фандан белгиланган максимал баллга нисбатан табақалаштирилган (пропорционал) балл берилиши белгиланган.

***Табақалаштирилган балга тўлиқроқ изоҳ берсангиз?***

Сертификат қайси фандан олинган бўлса, шу фаннинг фанлар мажмуасидаги ўрнига қараб мос равишда максимал балнинг маълум фоизи берилади.

Масалан, математика фанидан сертификатга эга бўлган абитуриентнинг сертификатдаги ўзлаштириши 60 фоиз, математика фанининг фанлар мажмуасидаги ўрни биринчи (ҳар бир тўғри жавоб учун 3,2 балл, 30 та тест топшириғига максимал 96 балл) бўлса, унинг 60 фоизи 57,6 бални ташкил этади (3,2*30=96 балл, 96*60/100=57,6). Агар абитуриентнинг сертификатдаги ўзлаштириши 88 фоиз бўлса, 84,5 балл берилади (3,2*30=96 балл, 96*88/100=84,5).

***Миллий тест тизимидан кимлар фойдаланиши ва қандай тартибда рўйхатдан ўтиши мумкин?***

Талабгорлар тест синовида қатнашиш учун "Абитуриентлар маълумотлари ва аризаларини рўйхатга олиш тизими" (my.dtm.uz сайти) орқали электрон ариза бериб рўйхатдан ўтишлари мумкин.

Албатта, мазкур умумтаълим фанларидан билиш даражасини баҳолашнинг миллий тест тизими пуллик бўлиб, талабгордан базавий ҳисоблаш миқдорининг 1,5 баравари миқдорида тўлов ундирилади. Тўлов тўғрисидаги маълумотни талабгор ўзининг шахсий кабинети орқали билиши мумкин.

Тизимдан хоҳлаган талабгор рўйхатдан ўтиши мумкин. 2020 йил 1 декабрдан она тили ва адабиёт (ўзбек тили ва адабиёти, рус тили ва адабиёти, қорақалпоқ тили ва адабиёти) ҳамда математика фанлари бўйича талабгорлар онлайн рўйхатга олинди. Март ойидан кимё, биология фанлари бўйича талабгорларни рўйхатга олиш бошланди.

Талабгор тест синови ўтказиладиган сана ва жой тўғрисидаги маълумотларни ўзининг шахсий кабинети орқали билиб олиши мумкин.

***Таълим йўналишларига мос тест синови топшириладиган фанлар мажмуаси тасдиқланди. Бу йилги абитуриентлар учун қандай янгиликлар бор?***

Ўзбекистон Республикаси таълим муассасаларига ўқишга қабул қилиш бўйича Давлат комиссиясининг 2021 йил 7 мартдаги 10-сон баёни билан 2021-2022 ўқув йили учун республика ОТМларининг бакалавриат таълим йўналишларига мос тест синови топшириладиган фанлар мажмуаси, тест топшириқлари сони ҳамда баҳолаш мезонлари тасдиқланди.

Бу йилги кириш имтиҳонларида абитуриентлар 5 та фандан имтиҳон топширади.

Барча тест топширувчилар учун мажбурий 3 та фан (максимал балл – 94,5 балл):

1. Она тили (ўзбек, рус, қорақалпоқ ва бошқа тиллар) – 15 та савол, ҳар бир тўғри жавоб учун – 2,1 балл.
2. Математика – 15 та савол, тўғри жавоб учун – 2,1 балл.
3. Ўзбекистон тарихи – 15 та савол, ҳар бир тўғри жавоб учун – 2,1 балл.

Бакалавриат таълим йўналишига мос 2 та фан бўйича (максимал балл – 186):

1-фан – 30 та савол, тўғри жавоб учун – 3,1 балл.

2-фан – 30 та савол, ҳар бир тўғри жавоб учун – 3,1 балл.

Жами 5 та фандан тўплаш мумкин бўлган максимал балл – 280,5.

Саволнинг асосий мазмунига жавоб берадиган бўлсак, фанлар мажмуасидан абитуриент ўз танлаган таълим йўналишида мос 2 та фанни билиб олади. Бу йилги фанлар мажмуасида Шарқ тиллари бўйича ҳам мос фанлар мажмуаси белгиланган.

***Бу йилги кириш тест синовларида кутилаётган янгиликлар бўйича ҳам маълумот берсангиз?***

Жорий йилда Самарқанд вилоятида 185 минг нафардан ортиқ абитуриент рўйхатдан ўтиши кутилмоқда. Тест синовларига карантин ҳолати эътиборга олинган ҳолда икки хил вариантда, яъни карантин бекор қилинадиган бўлса, катта сиғимли ёпиқ биноларда, акс ҳолда очиқ майдонларда ўтказиш бўйича тайёргарлик олиб борилмоқда. Ҳужжатларни рўйхатдан ўтказиш онлайн шаклда **my.dtm.uz** сайти орқали амалга оширилади. Ушбу тизим олдинги йиллардаги тизимдан анча такомиллаштирилган. Унда талабгорларнинг тўлиқ шахсий маълумотлари билан биргаликда Давлат тест маркази диагностик тест синовлари, тилни билиш даражасини аниқлаш синовларидан тўплаган баллари, миллий сертификатлар, имтиёзлари бўйича маълумотлар ҳам киритилади.

Ўтган йилларда кириш тест синовларида абитуриентларга 5 тагача мос таълим йўналишларини танлаш имкони берилган бўлса, жорий йилда республикамиз ОТМларида мавжуд мос таълим йўналишларининг барчасини танлаш имкониятини яратиш бўйича таклифлар киритилган. Албатта, бу таклиф ҳам ОТМларига юқори балл тўплаган, энг билимли ёшларни саралаб олишга қаратилган.

**Воҳид СИРЛИБОЕВ,**
**Давлат тест маркази вилоят бўлими бошлиғи.**

**Таълим соҳасида нодавлат таълим хизматларини кўрсатиш фаолиятини янада ривожлантириш, нодавлат таълим хизматлари кўрсатиш соҳасида фаолият кўрсатаётган юридик шахслар учун қулай шарт-шароит яратиш, давлат-хусусий шериклик асосида ташкил этилаётган таълим муассасалари тармоғини кенгайтириш мақсадида мазкур фаолиятни тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар такомиллаштирилди ҳамда нодавлат таълим хизматлари кўрсатиш соҳасидаги фаолиятни лицензиялаш тартиби соддалаштирилди.**

## Самарқандда нега хусусий олий таълим муассасаси очилмаяпти?

Шундай бўлса-да, бугунги кунга қадар Самарқанд вилоятида хусусий сектор иштирокида нодавлат олий таълим муассасаси фаолияти йўлга қўйилмаган. Албатта, нодавлат олий таълим муассасаси очиш истагида бўлган тадбиркорлар бор. Лекин улар таълим жараёнини ташкил этиш учун ҳеч қандай шароитга эга бўлмаган, бўш турган бинода, инвестиция киритмасдан, лицензия талаблари ва шартларини инобатга олмаган ҳолда олий таълим муассасаси фаолиятини бошлашга, лицензия олишга уринмоқда.

Ўзбекистон Республикасининг таълим соҳасидаги қонун ва қонуности ҳужжатларига мажбурий риоя қилган ҳолда, таълим-тарбия жараёнини давлат таълим стандартларига (давлат талабларига), ўқув режаларига ва таълим дастурларига мувофиқ амалга ошириш зарур. Бунинг учун белгиланган талабларга мувофиқ аудиториялар, ўқув хоналари, замонавий ахборот-коммуникация асбоб-ускуналари, ўқитишнинг техник воситалари ва анжомлар билан жиҳозланган, таълим дастурларининг белгиланган даражасини амалга ошириш учун зарур дарсликлар, ўқув-методик адабиётлар ва бошқа кутубхона-ахборот ресурслари билан таъминланган ўқув бинолар бўлиши керак. Мана шундай шароитга эга тадбиркорлар, хусусий сектор вакиллари нодавлат олий таълим муассасаси фаолиятини ташкил этишлари мумкин. Афсуски, ҳозирча замонавий шарт-шароитга эга тадбиркордан хусусий олий таълим муассасаси очиш таклифи тушгани йўқ.

**Собир УЛАШОВ,**
**таълим сифатини назорат қилиш инспекцияси вилоят ҳудудий бўлими бош мутахассиси.**

## Кимлар синф раҳбари бўла олади?



Камида 3 йиллик педагогик иш стажига эга, мактабда тўлиқ ставкада асосий ишчи сифатида фаолият олиб бораётган, одоб-ахлоқи ва хулқи билан ўқувчиларга шахсий намуна бўла оладиган, руҳий жиҳатдан барқарор, ўқувчилар билан ишлаш жараёнига масъулият билан ёндашадиган ўқитувчи синф раҳбари бўла олади.

Шунингдек, бошланғич синфда асосий (ўқиш, она тили, математика) фанлардан дарс берадиган ўқитувчи синф раҳбари ҳисобланади.

Ўрта ва юқори синфларда синф раҳбарининг ўзи таълим берадиган фани доирасида ҳам ўқувчилари билан яқиндан ишлашини инобатга олган ҳолда ўқувчиларни гуруҳларга бўлиб ўқитишни талаб этадиган фан (жисмоний тарбия, технология, чет тили, информатика, ахборот технологиялари ва бошқалар) ўқитувчилари ҳамда ўриндошлик асосида фаолият олиб бораётган педагог ходимларга синф раҳбарлигини бириктириш мақсадга мувофиқ эмас.

Халқ таълими вазирлигининг 2021 йил 22 февралдаги "Умумий ўрта таълим муассасаларида 5-синфдан бошлаб ягона синф раҳбари фаолиятини ташкил этиш ҳақида"ги 41-сонли буйруғи асосида бошланғич синфга тайинланган синф раҳбари 1-синфдан бошлаб 4-синфгача ўқувчиларга ягона раҳбар ҳисобланади. Худди шундай тартиб 5-синфдан 11-синфга қадар ҳам қўлланилади.

Бир ўқитувчига фақатгина битта синф раҳбарлиги топширилади. Директор ўринбосарлари, психологлар, ёшлар етакчиси синф раҳбари бўлиши мумкин эмас.

**Жаҳонгир ЙЎЛДОШЕВ,**
**вилоят халқ таълими бошқармаси бош мутахассиси.**

*Ушбу саҳифа материаллари Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди грант лойиҳаси асосида тайёрланди.*




# Каттақўрғонда полвонларга қўчқор берилди

**Бу йил ҳам Каттақўрғонда Наврўз шодиёналари ўзгача нишонланди. Эрта тонгдан сектор раҳбарлари “Темир дафтарга” кирган ижтимоий ҳимояга муҳтож оилалардан хабар олди.**

Туман марказидаги Ёшлар боғида ташкилот, корхона, муассасалар томонидан баҳорий таомлар дастурхонга тортилди, ўйин-кулги даврага файз бағишлади. Туман ҳокими Жамшид Насриддинов туман аҳлини Наврўз айёми билан табриклади. Миллий ва халқ ўйинлари, полвонларнинг чиқишлари барчанинг эътиборини тортди. Ғолиб полвонлар жамоасига туман ҳокимининг бир бош қўчқори совға қилинди.




- Наврўз байрами шодиёналари дастурини режиссёр Ҳайдар Зовуров, балетмейстер Абдуҳалим Нурқувватов тайёрлади, - дейди туман маданият бўлими мудири Шодиёр Амиров. – “Сарбозлар”, “Зарафшон” этнографик халқ дасталари, пойтахтдан келган санъаткорларнинг қўшиқлари сайил иштирокчиларига манзур бўлди.

**Тоҳир НОРҚУЛОВ олган суратлар.**

# Kelajak avlodga mukammal alifbo kerak

**Shiddat bilan rivojlanayotgan ayni davrda barcha sohalarda bo‘lgani kabi alifbo ham ma’lum bir islohotlar, o‘zgarishlarni amalga oshirishni talab etmoqda. Prezidentimizning 2020-yil 20-oktabrdagi “Mamlakatimizda o‘zbek tilini yanada rivojlantirish va til siyosatini takomillashtirish chora-tadbirlari to‘g‘risida”gi farmoni ham ana shu ehtiyoj sabab yuzaga keldi.**

Shu kunlarda yangi alifbo loyihasi muhokamaga qo‘yilgan bir paytda ijtimoiy tarmoqlarda alifbomizdagi o‘zgarishlar kerakmi, yo‘qmi, degan savollar, bu o‘zgarishlarning ijobiy va salbiy jihatlari haqida bahs-munozaralar ko‘paydi.

Fikrimcha, o‘zgarish albatta, kerak. Birinchidan, alifboda juda katta o‘zgarishlar bo‘layotgani yo‘q. Buning savodxonlikka ta’siri ham katta emas.

Ikkinchidan, deyarli har kuni yangi kitoblar, darsliklar, o‘quv va uslubiy qo‘llanmalar yaratilmoqda. Bu vaziyatda alifbo bo‘yicha bir to‘xtamga kelish lozim. Agar pasportlar o‘rniga ID-kartalar joriy etiladigan bo‘lsa, bu ham yangi, takomillashgan alifboga o‘tishni taqozo etadi.

Masalan, “ch” harfiy birikmasini olib ko‘raylik. U “c” va “h” harflarining qo‘shilishidan tashkil topgan. Ammo hozirgi alifbomizda “c” harfi mavjud emas.

“Ng” harfiy birikmasini ham o‘ylab ko‘rish, ehtimol, uni ham o‘zgartirish kerakdir. Chunki talaffuzda “ng” yo‘qolib bormoqda. “Ko‘ngil”, “dengiz” so‘zlarida “n” va “g” tovushlari aniq eshitilib turibdi. So‘zlarni bo‘g‘inga ajratishda “n” harfini birinchi bo‘g‘inda qoldirib, “g”ni ikkinchi bo‘g‘inga o‘tkazish holatlari kuzatilyapti.

Tutuq belgisi (’) masalasi yuzasidan ko‘plab turkiy alifbolarni ko‘rib chiqishga to‘g‘ri keldi. Ularda bu belgidan foydalanishmaydi. Tutuq belgisi (’) sof turkiycha so‘zlarda uchramaydi. O‘zimizda ham talaffuzda tutuq belgisidan foydalanmayapmiz, yozuvimizdagina bor, xolos.

Alifbo loyihasi tashabbuskorlari yuqorida ta’kidlangan masalalarni inobatga olishadi, albatta. Chunki alifboda har kuni ham o‘zgarish bo‘lavermaydi. Kelajak avlodga mukammal alifbo qoldirishimiz shart.

**Ahmad MAVLONOV,**
**SamDU o‘qituvchisi.**

**Президентимизнинг 2019 йил 31 октябрдаги “Ягона миллий меҳнат тизими” идоралараро дастурий-аппарат комплексини жорий қилиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорига асосан 2020 йил 1 январдан бошлаб янги меҳнат шартномалари тузиш, амалдаги шартномаларга ўзгартириш киритиш ва тугатиш «Ягона миллий меҳнат тизими» (ЯММТ)да мажбурий рўйхатдан ўтказилиши белгиланган.**

# «ЯГОНА МИЛЛИЙ МЕҲНАТ ТИЗИМИ»
## дастурида маълумотлар янгиланмаяпти

### Ёхуд Африка халқларининг игбо, сесото, зулу, шона, чичева тиллари хорижий тилларни билиш даражамизни белгилайдими?

Меҳнат муносабатларини ЯММТда рўйхатдан ўтказиш мулкчилик шакли ва идоравий мансублигидан қатъий назар, барча иш берувчилар, хусусий корхона ва якка тартибдаги тадбиркорлар учун мажбурий эканлиги қайд этилган.

Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги ҳузурида “Ягона миллий меҳнат тизими” идоралараро дастурий-аппарат комплекси дирекцияси ташкил этилди. Дирекция томонидан дастурни ривожлантириш ва такомиллаштириш бўйича қатор ишлар олиб борилиб, жойларда вилоят бандлик ва меҳнат муносабатлари бошқармасининг масъул ходимлари томонидан ўқув-семинар машғулотлари ўтказилди. Йўриқномалар ишлаб чиқилиб, махсус телеграм гуруҳлари очилди.

Иш берувчилар томонидан дастурга маълумотларни жойлаштириш ишлари 2019 йилнинг декабрида бошланган бўлса-да, дастур ташкилий-техник жиҳатдан тўлиқ шакллантирилмаган. Жумладан, дастурга хорижий олий ўқув юртлари, МДҲ мамлакатларида таҳсил олган ходимларнинг (дипломлари нострификация қилинган бўлса ҳам) маълумотларини киритиш йўлга қўйилмаган. Айниқса, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси, Банк молия академияси битирувчиларининг маълумотларини ҳанузгача киритишнинг иложи йўқ.

Дастурда ходимларнинг собиқ иттифоқ давридаги меҳнат фаолияти, фаолияти тўхтатилган корхоналар, хорижда ишлаганлиги тўғрисидаги маълумотлар ҳам ҳалигача жойланмаган. Меҳнатга ишбай ҳақ тўлаш тизими назарда тутилмаган.

Ходимларнинг қариндош-уруғлари тўғрисидаги маълумот паспорт серияси ва туғилган санаси бўйича киритилади, қариндошларининг яшаш жойи ва иш жойи тўғрисидаги маълумотлар ички ишлар бошқармаси ахборот базасидан келиб чиқади. Аммо аксарият ҳолларда ходимнинг қариндош-уруғларининг иш жойи тўғрисидаги эски маълумотлар базада янгиланмаган ҳолатда қолмоқда.

Дастурнинг тил билиш даражасини белгилаш қисмида дастурчилар томонидан Жанубий Африка халқларининг игбо, сесото, зулу, шона, чичева тиллари, сунъий эсперанто, бугун ёзувигина сақланиб қолган лотин тилларининг киритилгани ҳам кишининг энсасини қотиради.

“Ягона миллий меҳнат тизими” идоралараро дастурий-аппарат комплекси дирекцияси масъуллари юқорида келтириб ўтилган муаммоларни бартараф этишига умид қиламиз.

**Дилфуза ХОЛМИРЗАЕВА,**
**вилоят инвестициялар ва ташқи савдо бошқармаси ходими.**

# Маҳалласи тарихини биладиган кексаларни ким эшитади?

**Умр оқар дарёга ўхшайди. Кеча навқирон ёшда бўлган бўлсак, бугун қарилик гаштини сурмоқдамиз. Ўтган умримиз давомида кўплаб тарихий воқеаларга гувоҳ бўлдик, баъзиларининг иштирокчисига айландик.**



Олдинлари фарзандларимиз етти пуштини, маҳалламиз тарихини яхши биларди. Афсуски, бугун ёшларимиз ўзлари туғилиб ўсган маскан ҳақида сўрасангиз жавоб беришга қийналади. Маҳалламиздаги қариялар билан маслаҳатлашиб туманимиз тарихи, ўтган азиз-авлиёлар, шоирлар, бахшилар тўғрисида китоб ёзиш ҳақида ўйлаб юрибмиз. Лекин бизни эшитадиган мутасадди йўқ.

Тўғри, олимлар бу борада салмоқли ишларни амалга ошираяпти. Аммо яқин тарихимиз, кекса авлод вакилларининг фикрлари билан бойитилса, мақсадга мувофиқ бўлади. Чунки ҳар бир ҳудуд ўзига хос тарихга эга.

**Турди ТУРСУНОВ,**
**Пайариқ тумани.**

REKLAMA, E’LONLAR, BILDIRISHLAR / Gazetamiz haftada uch marta - seshanba, payshanba va shanba kunlari chop etiladi / Gazetada chop etilayotgan reklama va e‘lonlar tezkor, samarali va hamyonbop / MUROJAAT UCHUN TELEFON: 66-233-91-56

# “BEST REALTOR”

**масъулияти чекланган жамияти Самарқанд минтақавий филиали савдоларга таклиф этади**

«TURON SAVDO NON» МЧЖнинг 23.03.2021 йилдаги 9-сонли буюртма хатига асосан, «TURON SAVDO NON» МЧЖга қарашли бўлган, Пайариқ тумани Хўжа Исмоил маҳалласи, Понг қишлоғи ҳудудида жойлашган, умумий майдони 1800,0 кв.м., қурилиш тагидаги майдони 488,02 кв.м., фойдали майдони 421,92 кв.м.ни ташкил этган **нон ишлаб чиқариш цехи бинолари** (0001 литер нон ишлаб чиқариш цехи, 0002 литер юкхона ва 0003 литер айвон, ер майдонисиз) “Best Realtor” МЧЖ Самарқанд минтақавий филиали воситачилигида тўғридан-тўғри музокаралар ўтказиш йўли билан **160 000 000 сўм** дастлабки таклиф баҳосида сотувга қўйилмоқда.

Юқоридаги объектнинг сотилиши юзасидан музокаралар хабарнома матбуотда эълон қилинган санадан бошлаб расмий иш кунлари (душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума) соат 10:00 дан 16:00 га қадар ўтказилади. Талабгорлардан акцепт аризаларини қабул қилиш дастлабки акцепт аризаси берилган куни соат 16:00 да тўхтатилади.

Мазкур объект бўйича музокараларда иштирок этиш учун бир кунда икки ва ундан ортиқ талабгорлардан акцепт аризалари тақдим этилганда, мулк эгаси, яъни сотувчи томонидан тузилган махсус музокара комиссияси ўз акцепт аризасида энг юқори нархни энг қисқа муддатда тўлашни таклиф этган талабгорни ғолиб деб топади.

Ғолибга сотувчи билан ўрнатилган тартибда олди-сотди шартномасини имзолаш ва шартнома шартларига кўра тўловларни амалга ошириш мажбурияти юклатилади.

**Маълумотларни олиш ва акцепт аризаларни топшириш учун манзил: Самарқанд шаҳри Кўксарой майдони, 1-уй. Телефон: +99893-331-70-80. Расмий сайтимиз: www.emulk.uz, электрон почта манзили: best.samarqand@inbox.uz**

*Хизматлар лицензияланган.*

**Самарқанд вилояти фавқулодда вазиятлар бошқармаси тизимига шартнома бўйича ҳарбий хизматга номзодларни қабул қилиш учун 2021 йил 3 апрелга қадар**

# ТАНЛОВЛАР ЎТКАЗИЛАДИ

Самарқанд вилояти фавқулодда вазиятлар бошқармаси тизимидаги бўш бўлган лавозимларни тўлдириш ҳамда кадрлар захирасини яратиш мақсадида саралаш табдирлари ўтказилади.

Саралаш тадбирларида 18 ёшдан кичик бўлмаган ва 30 ёшдан катта бўлмаган, “ВС” тоифали ҳайдовчилик гувоҳномасига, 2 йиллик ҳайдовчилик иш стажига эга бўлган, олий ёки ўрта-таълим муассасаларини ҳаёт фаолияти хавфсизлиги асослари, жисмоний тарбия ва қутқарувчилик йўналишлари мутахассислиги бўйича томомлаган, муддатли, сафарбарлик чақирув резервидаги хизматни ўтаган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари иштирок этиши мумкин.

Саралаш тадбирларида иштирок этиш истагида бўлган фуқароларни юқорида кўрсатилган муддатгача бошқарма кадрлар, тарбиявий ва мафкуравий ишлар бўлимига фуқаролик паспорти, маълумоти тўғрисидаги диплом, ҳарбий гувоҳномасининг асл нусхалари билан келишлари сўралади.

**Манзил: Самарқанд шаҳри Гагарин кўчаси, 73-уй.**
**Самарқанд вилояти фавқулодда вазиятлар бошқармаси.**

# ТАЪСИСЧИЛАР ДИҚҚАТИГА!

**Оқдарё тумани “Ишлаб чиқариш савдо” масъулияти чекланган жамияти таъсисчиларининг 2020 йил якуни бўйича навбатдаги умумий йиғилиши 2021 йил 24 апрель куни соат 11:00 да бўлиб ўтади.**

**КУН ТАРТИБИДА:**

*1. Бошқарув раисининг 2020 йилги ҳисоботи ва келгусидаги режалар тўғрисида;*

*2. Тафтиш комиссиясининг ҳисоботи;*

*3. Оқдарё тумани “Ишлаб чиқариш савдо” МЧЖнинг 2020 йилги баланси, фойда ва харажатларини тасдиқлаш ҳамда девидендларни тақсимлаш.*

*4. Жамият таъсисчиларининг аризаларига асосан таъсис улушларини қайта ҳисоб-китоб қилиб, аризаларига кўра таъсис улушларини бериш, таъсисчилар сафидан чиқариш, қолган таъсисчиларга жамият ҳисобида турган улушни тақсимлаш ва таъсисчилар таркибини қайта кўриб чиқиш;*

*5. Бошқа масалалар.*

**Манзил: Оқдарё тумани Лойиш шаҳарчаси, Наврўз кўчаси, 17-уй.**

# ТАДБИРКОРЛАР ДИҚҚАТИГА!

**Қурилиш соҳаси малакали мутахассисларини тайёрлаш маркази 450 нафар тингловчиларини аутсорсинг шартлари асосида йил мобайнида овқатлантириш тизимини ташкил этишни режалаштирган.**

Шунга асосан аутсорсинг тизимида иштирок этмоқчи бўлган, умумий овқатланиш соҳаси билан шуғулланаётган тадбиркорлар Қурилиш соҳаси малакали мутахассисларини тайёрлаш марказига 2021 йилнинг 31 март кунига қадар **(Паст Дарғом тумани Кимёгарлар МФЙ, Дўстлик массиви, Ертешар ГЭС кўчаси, 5-уй. Телефон: 93-725-26-51)** мурожаат қилишлари мумкин.

**ТАНЛОВДА ҚАТНАШИНГ!**

Паст Дарғом туман ҳокимлиги захира ер майдони ҳисобига қайтарилган Б.Кумаков номли массив ҳудудидаги 14-17-19-43-контурлардаги жами 15,71 га. ер майдони мавжуд фермер хўжаликларига қўшимча ер майдони ажратиш учун танлов ўтказилади. Қўшимча маълумотларни туман ер ресурслари ва давлат кадастри хизмати давлат корхонасидан олишингиз мумкин.

* * *

**ДАЪВОЛАР БЎЛСА**

Самарқанд шаҳрида хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус Раҳмонов Сарвар Неъматиллоевич нотариал идорасида марҳум Ситдикова Асия Махмудовнага (2019 йил 9 декабрда вафот этган) тегишли мол-мулк учун мерос иши очилмоқда. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Раҳмонов Сарвар Неъматиллоевич нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз.

**Манзил: Самарқанд шаҳри Гагарин кўчаси, 60-уй.**

* * *

Самарқанд шаҳрида хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус Алиева Лола Заировна нотариал идорасида марҳум Шукурова Мавжудага (2019 йил 21 мартда вафот этган) тегишли мол-мулк учун мерос иши очилмоқда. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Алиева Лола Заировна нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз.

**Манзил: Самарқанд шаҳри Мирзо Улуғбек кўчаси, 80-уй.**

* * *

Самарқанд шаҳрида хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус Исакулова Нигора Турдикуловна нотариал идорасида марҳум Козина Татьяна Борисовнага (2019 йил 5 ноябрда вафот этган) тегишли мол-мулк учун мерос иши очилмоқда. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Исакулова Нигора Турдикуловна нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз.

**Манзил: Самарқанд шаҳри Абу Райҳон Беруний кўчаси, 12-уй.**

* * *

Самарқанд туманида хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус Абдуллаев Нодир Джамолиддинович нотариал идорасида марҳум Сулиев Исмаилга (2012 йил 30 майда вафот этган) тегишли мол-мулк учун мерос иши очилмоқда. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Абдуллаев Нодир Джамолиддинович нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз.

**Манзил: Самарқанд тумани У.Самиев кўчаси, 1-уй.**

* * *

Самарқанд шаҳрида хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус Жўраев Камолиддин Муҳиддинович нотариал идорасида марҳум Ризаева Хосият Казимовнага (2015 йил 14 декабрда вафот этган) тегишли мол-мулк учун мерос иши очилмоқда. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Жўраев Камолиддин Муҳиддинович нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз.

**Манзил: Самарқанд шаҳри Ўзбекистон кўчаси, 35-уй.**

* * *

Самарқанд шаҳрида хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус Юсупова Ирода Рустамовна нотариал идорасида марҳум Очилов Фазлидин Нуритдиновичга (2018 йил 26 февралда вафот этган) тегишли мол-мулк учун мерос иши очилмоқда. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Юсупова Ирода Рустамовна нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз.

**Манзил: Самарқанд шаҳри Боғдод кўчаси, 1-уй, 3-хона.**

* * *

Пайариқ туманида хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус Ортиқбоев Азиз Азаматович нотариал идорасида марҳум Лутфуллаева Матлуба Хасановнага (2021 йил 8 мартда вафот этган) тегишли мол-мулк учун мерос иши очилган. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Ортиқбоев Азиз Азаматович нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз.

**Манзил: Пайариқ тумани Челак шаҳарчаси, Истиқлол кўчаси, 73-уй.**

* * *

**БЕКОР ҚИЛИНАДИ**

Қўшработ қишлоқ хўжалик касб-ҳунар коллежидан 2014 йилда Ахилбеков Ҳасан Барот ўғли номига берилган К № 3422130 рақамли диплом ва унинг иловаси йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

* * *

Самарқанд туманидаги “ZAYNIEV DILSHOD XUSNIDINOVICH” фермер хўжалигининг (СТИР: 304213980) думалоқ муҳри ва бурчак тамғаси йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

* * *

Нуробод саноат касб-ҳунар коллежидан 2016 йилда Тошболтаев Адҳам Фахритдин ўғли номига берилган рўйхат рақами 510, К № 4275861 рақамли диплом ва унинг иловаси йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

* * *

Самарқанд давлат тиббиёт институтидан Усмонов Илхом Исломовичга 1996 йилда битирган, 1997 йилда берилган рўйхат рақами 25567, № 167474 рақамли диплом йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

* * *

Самарқанд давлат тиббиёт институтидан 2011 йилда Рахмонов Темур Неъматович номига берилган рўйхат рақами 32701, М № 059601 рақамли диплом ва унинг иловаси йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

* * *

Оқдарё туманидаги 45-ихтисослаштирилган умумий ўрта таълим мактабидан 2006 йилда Джураев Бахтиёр Омонович номига берилган O`R-SH № 0372824 рақамли ўрта маълумот тўғрисидаги шаҳодатнома йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

* * *

Паст Дарғом туманидаги “DO’STLIK PROFILLARI” оилавий корхонасининг (СТИР: 306000897) думалоқ муҳри ва бурчак тамғаси йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

* * *

Булунғур туманидаги 5-умумий ўрта таълим мактабидан 2003 йилда Аловова (ҳозирда Жуманова) Мухриой Сайдахматовна номига берилган O’R-A № 1485895 рақамли ўрта маълумот тўғрисидаги шаҳодатнома йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

* * *

Самарқанд вилоят ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри давлат корхонасидан 2020 йилда Латипова Найла Асадовнага қарашли Самарқанд шаҳри Помир кўчаси, 1-йўлак, 1-уй, 23-хонадон учун берилган кадастр ҳужжатлари тўплами ва шу уйнинг уй дафтари йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

* * *

Самарқанд банк коллежидан 2005 йилда Пардаев Шерқобил Соатович номига берилган рўйхат рақами 594, К № 202066 рақамли диплом ва унинг иловаси йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

* * *

Тойлоқ туманидаги 20-умумий ўрта таълим мактабидан 2004 йилда Насриев Асқар Нуриддинович номига берилган U № 0046185 рақамли умумий ўрта таълим тўғрисидаги аъло даражали шаҳодатнома йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

* * *

Пайариқ туманидаги 8-умумий ўрта таълим мактабидан 2020 йилда Ибрагимов Камрон Заирович номига берилган UM № 0518488 рақамли умумий ўрта таълим тўғрисидаги аттестат йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

* * *

Самарқанд вилоят ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри давлат корхонасидан 2020 йилда Негматов Наимга (марҳум) қарашли Самарқанд шаҳри Самар кўчаси, 8-уй учун берилган кадастр ҳужжатлари тўплами йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

* * *

Самарқанд давлат университети қошидаги академик лицейидан 2016 йилда Неъматова Гулхаё Анваржоновна номига берилган рўйхат рақами 542, L № 273621 рақамли диплом ва унинг иловаси йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

* * *

Пайариқ тиббиёт коллежидан 2017 йилда Марифова Насиба Марифовна номига берилган рўйхат рақами 417, К № 4676962 рақамли диплом ва унинг иловаси йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

* * *

Қўшработ туман ҳокимлиги молия бўлимининг (СТИР: 200750684) думалоқ муҳри йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

* * *

Ургут миллий ҳунармандчилик лицейидан 1998 йилда Султонова Умида Розиқовна номига берилган № 024485 рақамли диплом ва унинг иловаси йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

* * *

Самарқанд шаҳридаги 52-ўрта мактабдан 1997 йилда Меликова Нилуфар Зохировна номига берилган UZI № 095784 рақамли таянч маълумот тўғрисидаги гувоҳнома йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

* * *

Самарқанд ҳуқуқшунослик коллежидан 2017 йилда Давлатов Махсуд номига берилган рўйхат рақами 153, К № 4697682 рақамли диплом йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

* * *

Пайариқ туманидаги 81-умумий ўрта таълим мактабидан 2003 йилда Абдуллаева Шаҳноза Зохитбоевна номига берилган U № 0551413 рақамли умумий ўрта таълим тўғрисидаги шаҳодатнома йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

* * *

**ТОПГАНГА МУКОФОТ!**

Битимга биноан ҳарбий хизматчи Тожиев Чори Омон ўғлининг шахсий гувоҳномаси (С № 0121124) Самарқанд тумани ҳудудида тушириб қолдирилган. Ушбу ҳужжатни топганлардан мукофот эвазига қайтаришларини сўраймиз.

**Телефон: +99897-449-02-95.**

Самарқанд давлат университети ректорати, физика факультети ва оптика кафедраси жамоаси физика факультети декани, доцент Аҳмад Абсановга онаси

**Бувишой АБСАНОВА**нинг

вафоти муносабати билан таъзия изҳор этади.

**Самарқанд-Бухоро-Самарқанд:**

# Етти пир зиёрати ёки буюк ўтмишга қисқа саёҳат

**Наврўз байрами муносабати билан эълон қилинган дам олиш кунларида аҳоли, корхона ва ташкилот ходимлари юртимиз бўйлаб саёҳат қилди. Жумладан, вилоят "Зарафшон" ва "Самаркандский вестник" газеталари таҳририяти ходимлари Бухорода бўлди.**

Аслида Бухоро ҳам Самарқанд ва Хоразм каби Ўзбекистоннинг асосий сайёҳлик ҳудудларидан бири ҳисобланади. Хусусан, Бухоро амирларининг қароргоҳи бўлган Арк ҳар доим маҳаллий ва хорижлик сайёҳлар билан гавжум.

Манбаларга қараганда, у бир неча марта вайрон бўлиб, яна қайтадан тикланган. Арк ҳақидаги илк маълумотлар Абу Бакр Наршахийнинг (899-960) "Бухоро тарихи" асарида учрайди: "Бухоро ҳукмдори Бухорхудот Бидун ушбу қалъани қурдиради, аммо у тез орада вайрон бўлади. Шунда Бухорхудот донишмандларни чақириб, улардан маслаҳат сўрайди, улар эса қалъани Катта айиқ юлдузлари туркумини эслатувчи етти устун устида қуриш кераклигини айтишади. Ҳукмдор шундай йўл тутади ва Арк мустаҳкам бўлади".

Аммо Арк қачон қурилгани ҳалигача аниқланмаган. Олимларнинг тахминича, бундан бир-бир ярим минг йил олдин ҳам ушбу маҳобатли меъморий обида ҳукмдорлар учун қароргоҳ бўлган. У неча-неча қонли жанглар, шафқатсиз истило-ю босқинларга гувоҳ бўлган. Тарихий қўлёзмаларда 1220 йили Чингизхон қўшини Бухорога бостириб келганда ҳам аксарият аҳоли шу мустаҳкам қўрғон ичида жон сақлагани ёзилган.



Аркнинг бугун сақланиб қолган қисми 3,96 гектарни ташкил этиб, замонавий шаҳарнинг ғарбий қисмида жойлашган. Баландлиги 16-20 метр, умумий узунлиги 789,6 метр девор билан ўралган бу маҳобатли иншоотга икки устунсимон шаклда қурилган миноралар орасидан, пандус нишаб шаклидаги йўлакдан кириб борилади.

Саёҳат давомида фотомухбирларимиз қадимий шаҳарнинг тарихий ва диққатга сазовор жойлари билан бирга бу ернинг айрим эътиборли, муаммоли ва кўп жойда жорий қилса арзийдиган жиҳатларини суратга олди.

Жумладан, ҳар ёмоннинг бир яхшиси бор, деганларидек Самарқандда сув таъминоти, сифати борасида кўп эътирозлар кузатилади. Аммо бу борада бухороликларнинг қаноатига тасанно айтса арзийди. Негаки, Бухоро шаҳри, умуман, туманлар аҳолиси истеъмол қиладиган сув шўр. Шунинг учун бу шаҳарда юк автомобилларида келтирилган Самарқанд суви саноат усулида тайёрланган сувданда харидоргир.

Рости, шаҳардаги дўкон, сотувчи ва хизмат кўрсатувчи бинолар пештоқидаги ёзувлар асосан ажнабий тилда битилган. Шу жиҳатдан, бухороликлар самарқандликлардан қолишмас экан, деган хулосага келдик.

Бухоро шаҳри кўчаларидаги айрим светофорлар эътиборимизни тортди: қизил ёки яшил чироқ ёнганда нафақат чироқ, балки устунлар юқоридан пастгача шу рангда товланади. Бу эса ҳайдовчи ва пиёдалар учун жуда қулай. Бизнингча, ушбу амалиётни республикамиз бўйлаб қўллаш фойдадан холи бўлмаса керак.

### КАМТАРЛИКДАН "БУЮК ИМОРАТ" ҚУРГАН ЗОТ

Бухоро ҳақида гап кетганда одатда дин қуввати сифати қўшиб ишлатилади. Бу заминда мангу қўним топган етти пир қадамжолари ҳамон бу ўлкага барака ёғдириб турибди. Улар зиёратига келган киши борки, бир олам маънавий озуқа, руҳий қувват олиб қайтади.

Жумладан, "Хўжаи жаҳон", "Зикр қалб султони", "Икки олам Хўжаси", "Қутби замон", "Офоқи замон" каби жуда кўп сифатлар берилган аллома, соҳибкаромат Абдухолиқ Ғиждувоний ҳаётлик даврида катта ҳурмат-эътиборга эга бўлишига қарамай бўз тўқиш билан шуғулланиб, кун кечирган. У зот Хўжагон тариқати асоси Қуръон ва ҳадисга таяниб, бидъату хурофот, сохта пиру-муридликка қарши қаттиқ курашиб, таъма ва миннатдан инсониятни қайтарган. Ўз ибрати билан ҳалол меҳнат орқасидан кун кечиришга, Аллоҳ берган ризқни кўпчилик билан баҳам кўришга ундаб келган.

Мажмуа ходимларининг таъриф этишларича, Абдухолиқ Ғиждувоний - хўжагон тасаввуфий тариқатининг муршиди, кейинчалик нақшбандия тариқати ва таълимотининг ҳақиқий асосчиси, улуғ инсонпарвар сўфий. Улуғ мутасаввуф олим ва шайх Абдухолиқ Ғиждувоний Хожа Юсуф Ҳамадонийнинг тўртинчи халфалари (муридлари) бўлиб, 1103 йилда Ғиждувон шаҳрида таваллуд топган.

Мирзо Улуғбек Хожа Абдухолиқ Ғиждувоний шарафига атаб 1433 йилда болаларнинг Қуръон ва ҳадис, фиқҳ ва тафсир илмлари ўрганишлари учун мўъжаз бир мадраса, Ғиждувон шаҳрида кутубхона ва тошҳаммом қурдириб беради. Бухоро амири Амир Абдуллохон эса Абдухолиқ Ғиждувоний қолдирган бой меросни авайлаб-асраш учун кўп эзгу ишлар қилади, хусусан, масжид, минора ва ҳовуз барпо этади.

Бухорода шундай зоти шарифлар мангу қўним топган жойлар, тарихий обидалар жуда кўп. Бир мақола орқали улар ҳақида муфассал ахборот бериш мушкул иш. Шу боис, ўзингиз боринг, буюк ўтмишга гувоҳ бўлинг.




## Мустақиллик йиллари Самарқандда

**1999 йил, июнь**

12 июнь куни Хитой Халқ Республикаси Бош вазири ўринбосари Циян Цичен бошчилигидаги делегация Республика Ташқи ишлар вазири А.Комилов ҳамроҳлигида Самарқандга келди.

Ургут туманидаги Ғўс қишлоғининг 30 та хонадони газлаштирилиб, 16,5 километрга газ қувури тортилди.

**июль**

Вилоят ғаллакорлари давлат қабул пунктига 240 минг тоннадан зиёд сара дон топширди.

Вилоятда 297 минг нафардан кўпроқ ногирон ва нафақахўр истиқомат қилади. Уларга тўланадиган бир ойлик тўловлар 927 миллион сўмни ташкил қилади.

19 июль куни вилоят ҳокимининг қарорига кўра, Исомиддин Усмонов вазифасидан озод қилиниб, Бадриддин Насриев вилоят ҳокимлиги молия бошқармаси бошлиғи этиб тайинланди.

Афғонистон бўйича "6+2" гуруҳи Тошкент учрашуви қатнашчилари Самарқандга келди.

29 июль куни вилоят ҳокими Э.Рўзиевнинг қарорига кўра, Ҳасан Ҳақназаров Иштихон тумани ҳокими этиб тайинланди.

**август**

Вилоятда: 23,6 минг янги иш ўринлари, (шундан 18 минги қишлоқ жойларида) ташкил этилди. Қишлоқ инфратузилмасини яхшилаш мақсадида 5 та қишлоқ врачлик пункти, 1730 ўринли умумтаълим мактаблари, 431 квадрат метр уй-жойлар, 140 километр водопровод ва 300 километрдан зиёд газ қувури ишга туширилди;

* * *

давлатга 1,5 минг тонна пилла, 267 минг тонна дон сотилди. Гўшт ишлаб чиқариш 6, сут 11, тухум 63 фоизга ортди. 271 хўжалик чек усулида иш юритишга ўтиб, 3,5 мингта фермер хўжаликларига доимий фойдаланиш учун 36,6 минг гектар ер ажратилди;

* * *

барча молия манбалари ҳисобидан 17 миллиард сўмлик капитал маблағлар ўзлаштирилди, 11,1 миллиард сўмлик қурилиш-монтаж ишлари бажарилди, 6,8 миллиард сўмлик асосий фондлар ишга туширилди. Ташқи савдода импорт экспортга қараганда 46,7 миллион АҚШ долларига ёки 1,8 марта кўп бўлди.

*Реклама*




**"Трастбанк" хусусий акциядорлик банкининг Самарқанд филиали вилоятимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, фаол тадбиркорлик, инновацион ғоялар ва бунёдкорлик ишларини қўллаб-қувватлаш орқали аҳолига муносиб ҳаёт шароитларини яратишга молиявий кўмаклашмоқда. Бунинг учун банк кредитларидан унумли фойдаланган ҳолда ишбилармонликни ривожлантириш, шунингдек, янги иш ўринлари яратиш масалалари юзасидан кенг кўламли ишларни амалга оширмоқда.**
**Жумладан, филиал ўз фаолиятини "Банк - мижоз учун!" тамойили асосида амалга оширмоқда. Шу боис, ўтган йиллар давомида мижозлар ва ҳамкорлар ишончини қозона олди.**




Банкнинг Самарқанд филиали ўз мижозларига замонавий банк технологиялари, самарали таваккалчилик менежменти тизими, хизмат кўрсатишнинг юқори сифат даражасига асосланган барқарор бизнес фаолиятини йўлга қўйиш асосида иш олиб бормоқда. Бунда Ўзбекистон Республикасининг «Хусусий банк ва молия институтлари ҳамда улар фаолиятининг кафолатлари тўғрисида»ги Қонуни ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилмоқда.

Фаолиятда барча турдаги замонавий банк хизматларининг йўлга қўйилиши мижозларга кўрсатилаётган хизматлар сифати ошишини таъминламоқда. Филиалда юридик ва жисмоний шахсларнинг барча банк операцияларини амалга оширишлари учун имкониятлар яратилган. Жумладан, мижозлар миллий ва хорижий валютада ҳисобварақлар очиш ва юритиши, ҳисоб-китоб, касса хизматларидан фойдаланиши, кредит ҳамда лизинг орқали фаолиятларини ривожлантириши, "Интернет-банк" тизими билан ҳисоб-китоб ишларини мустақил равишда масофадан туриб бошқаришлари йўлга қўйилган.

Филиал бугунги кунда 1400 нафар мижозга сифатли банк хизматларини кўрсатмоқда. Улар орасида давлат корхоналари билан бир қаторда хусусий тадбиркорлик субъектлари ҳам кўпчиликни ташкил этади.

Бугунги кунда молия муассасасининг "Интернет-банкинг", "SMS-банкинг" ва "Банк мижоз" каби масофавий банк хизматларидан мижозлар фойдаланмоқда. "Интернет-банкинг" хизмати мижозга ўзининг банкдаги маблағини дунёнинг исталган жойидан интернет тармоғи орқали бошқариш имконини беради. "SMS-банкинг" тизимидан фойдаланувчилар эса ўз ҳисобварақлари ҳолати тўғрисида уяли алоқа телефонлари орқали доимий маълумотга эга бўлади.

Жисмоний шахслар учун қулай шартлар асосида ва тезкорлик билан автокредит, микроқарз, истеъмол кредити ва банк пластик картасига эга бўлган мижозларга овердрафт кредит турлари ажратиш йўлга қўйилган.

Шунингдек, "Трастбанк" иш ҳақи доирасидаги пластик картасига эга бўлган мижозлар дунёнинг исталган жойидан (уйда, бозорда, сафарда) «Онлайн микроқарз» кредитидан фойдаланишлари мумкин. Мазкур микроқарзни расмийлаштириш учун банк мижозидан фақатгина смартфон талаб этилади. Мижоз ўз уяли алоқа воситасига «TrustPay» иловасини юклаб олиши ҳамда иловадаги «Кредитлар» бўлимидан «Онлайн микроқарзлар» ойнасига кириб керакли бўлган миқдорда кредит расмийлаштириши мумкин. Банк сўровни тезкорлик билан қабул қилади ҳамда энг зарур пайтларда ўз мижозларини қўллаб-қувватлайди.

Банк мижозлари маблағларини сақлаш ва уларни кўпайтиришда ҳам турли омонатларни жорий қилган бўлиб, миллий ва чет эл валютасида омонатлар қабул қилиниши йўлга қўйилган. Банкнинг миллий валютадаги қуйидаги муддатли омонатларидан мижоз банкка ташриф буюрган ҳолатда фойдаланиши мумкин: ("Имкон-3"- йиллик 14 фоиз, "Имкон-6"-йиллик 15 фоиз, "Имкон-12" - йиллик 16 фоиз, "Фаровон" - йиллик 17 фоиз, "Наврўз" - йиллик 19 фоиз).

Уй шароитида ўзининг мобил телефони орқали "Online Kelajak" - йиллик 16 фоиз, "Online Farovon" - йиллик 18 фоиз, "Online Наврўз" - йиллик 19 фоиз ва чет эл валютасида муддатли "Элита" - йиллик 5 фоиз, "Мукофотли" - йиллик 5 фоиз, "Инновация" - йиллик 5 фоиз омонатларидан ҳам фойдаланиш имкониятлари яратилган.

Шунингдек, "Трастбанк"дан пул жўнатиш юқори ҳимоя даражасида ҳар қандай масофага саноқли дақиқалар ичида ва нақд пулда фақатгина кўрсатилган шахсга берилиши кафолатланган ҳолда амалга оширилади.

Банкнинг Самарқанд филиали мижозлари бугунги кунда "Contact", "Money Gram", "Western Union", "Золотая корона", "Unistream" каби халқаро пул ўтказмаларидан фойдаланиб келмоқда.

Пандемия шароитида банк мижозлари хавфсизлигини таъминлаш мақсадида банк пластик картасига эга мижозлар "Contact" ва " Unistream" тизими орқали онлайн халқаро пул ўтказмаларини қабул қилиб олиш имкониятлари яратилган.

Пластик карталар бугунги куннинг ажралмас қисмига айланиб бормоқда ва уйда туриб пулларни бошқариш бу энг қулай усуллардан биридир. Шу сабабли "Трастбанк" жамоаси мижозлар оғирини енгил қилиш мақсадида банк расмий веб-сайти орқали (www.trustbank.uz) UZCARD, MASTERCARD ва HUMO карталарига онлайн ариза бериб, мижознинг уйига етказиб бериш йўлга қўйилди.

Дарвоқе, кўрсатилаётган банк хизматлари ҳақида маълумот олишни истаган тадбиркорлик субъектлари ва фуқаролар филиалнинг +99866-237-80-08 телефон рақамига мурожаат қилишлари мумкин.

"Трастбанк" хусусий акциядорлик банки Самарқанд филиали аҳоли турмуш шароитини яхшилаш, истиқболли лойиҳаларни рўёбга чиқариш, мижозлар талабини қондириш, тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш йўлида барча имкониятларни ишга солишга тайёр. Шу сабабли банк изланувчан ва интилувчан тадбиркорларни доимо қўллаб-қувватлайди.

**"Трастбанк" хусусий акциядорлик банки ахборот хизмати.**

*Хизматлар лицензияланган.*

Zarafshon
САМАРКАНДСКИЙ ВЕСТНИК

MUASSIS: «Zarafshon» va «Самаркандский вестник» gazetalari tahririyati mas'uliyati cheklangan jamiyati

Bosh muharrir: Farmon TOSHEV

*Gazeta O'zbekiston matbuot va axborot agentligining Samarqand viloyat matbuot va axborot boshqarmasida 2012-yil 30-martda 09-01 raqam bilan ro'yxatga olingan. Nashr 100. Indeks 438. 18 650 nusxada chop etildi. Buyurtma 219*

***Gazeta haftaning seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.***



Hajmi 2 bosma taboq, bichimi A-2

QABULXONA: (66) 233-91-51, REKLAMA VA E'LONLAR: (66) 233-91-56
BO'LIMLAR: (66) 233-91-57, 233-91-58, 233-91-59, 233-91-61

MANZILIMIZ: 140100, Samarqand shahri, Ulug' Tursunov ko'chasi, 80-uy, Matbuot uyi.

Gazeta «Zarafshon» tahririyatining kompyuter bo'limida sahifalandi.
«Noshir lux» MCHJ bosmaxonasida chop etildi.
**Korxona manzili:** Samarqand shahri, Spitamen ko'chasi, 270-uy.
Bosishga topshirish vaqti: soat 18:30 da. Bosishga topshirildi: soat 19:00

Navbatchi muharrir: A.SHERXOLOV.
Navbatchi: X.ERNAZAROVA.
Sahifalovchi: B.ABDULLAYEV.

Sotuvda narxi kelishilgan holda

ISSN-201667X
9 772010 667009